

# ҚҰШНИНИНГ ҲАҚҚИ.....



**Доно халқимизда құшничилик ҳақлари ҳақида ажойиб мақоллар, ҳадис шарифлар борлигини барчамиз яхши биламиз. Масалан, "Ховли олма, құшни ол" каби мақол замирида ҳам қанча маъно яширин. Ҳовли олсанғизда құшнингиз яхши бўлмаса, ҳа деганда жанжал қўтараверса уйингиздан барака, кунглингиздан ҳаловат қочади.**

Шу сабабли ҳам муқаддас динимизда құшничилик ҳақларига доир ажру савоблар муфассал келтириб ўтилган.

Афсуски, ҳозирги тинч-фаровон даврга келиб құшнилар орасида ҳам меҳроқибат, одамгарчилик туйғуларига путур етаётгандек...

Куйида ҳам иккى құшни ҳовли одамлари арзимас майда гап-сўзларни деб адсоватлашиб, юз кўрмас бўлиб қолишли. Камига бири жароҳат олди, бири эса қонун олдида жавоб беришига тўғри келди.

Судланувчи Қаххор Бўтаев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳам уша куни аёллар гапига кириб жаҳлига эрк бермаганда, бироз босиқлик билан воқеага оидинлик киритганда бунча машмашаю ташвишлар бўлмасди, кунгилсизларнинг олди олинарди.

Уша куни онаси құшнининг қызини бироз койигани учун қизчанинг акаси уларнинг дарвозасига икки марта тош отганлигини эшишиб қолган Қаххор жаҳлини жиловлай олмади. Тош отган құшни йигит Баходирни таёх билан уриб кетди. Уям уйидан пичоқ қўтариб чиққач, воқеа жиддий тус олиб, хар икки томонни қариндошлари йиғилиб жанжал катталашиб кетди.

«Баҳодирни қўлидаги пичоқни оламан дегандим», деб кўрсатма берган Қаххор уни жаратлаб кўяди. Воқеа жойига етиб келган участка инспектори ва махалла раиси, бошқа құшнилар уларни ажратиб, хушини йўқотган Баҳодирни касалхонага олиб кетишиди.

«Сўнгги пушаймон, ўзингга душман», деганларидек, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмаси ҳамда тиббий хulosса асосида Қахҳор айбли деб топилиб, унга нисбатан қонуний чора кўрилди.

Аммо, қарс икки қўлдан чиқади, деб бежиз айтишмаган. Баходир ҳам қўшнини дарвозасига тош отмасдан, пичоқ кўтариб югурмасдан муомала билан тушунтирса бўлар зди-ку. Ҳар икки томондан содир этилган бу кунгилсизлик икки оилани бир-бирига адоватли бўлиб қолишига сабаб бўлди.

Шунга айтишса керак, "Ғазабини енгган одам энг кучлидир" деб. Жаҳлини жиловлай олмаганлар эса юқоридагидек ҳолатга тушишлари тайин...

Сурхондарё вилоят судининг

судья катта ёрдамчиси

А.Саъдуллоев